Аллоҳдан тақво қилинглар

21:10 / 02.01.2018 2630

Абу Умома Судай ибн Ажлон ал-Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажжатул вадоъда қуйидагича хутба қилганларини эшитдим: **«Аллоҳдан тақво қилинглар. Беш вақт намозни адо қилинглар. Рўза ойининг рўзасини тутинглар. Молларингиз закотини беринглар. Амирларингизга итоат қилинглар. Шунда Раббиларингиз жаннатига кирасизлар»**.

Имом Термизий намоз китобининг охирида ривоят қилиб, уни ҳасан ва саҳиҳ ҳадис, дедилар.